



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзмелиомашлизинг”
давлат унитар корхонаси
Ижро этувчи директори
А.Сулаймонов
2017 йил “20” декабр

**“Ўзмелиомашлизинг” давлат унитар корхонаси
Юридик бўлими ходимларининг
лавозим йўриқномаси**

I. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори, ушбу Қарор ижросини амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон қарори, шунингдек бошқа қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

1.2. “Ўзмелиомашлизинг” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда - Корхона) Юридик бўлими (кейинги ўринларда - Бўлим) тўғридан-тўғри Корхонанинг ижро этувчи директорига бўйсунди.

1.3. Бўлим ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, шунингдек мазкур Йўриқномага амал қилади.

1.4. Бўлим ходимлари ижро этувчи директорнинг буйруғи асосида лавозимга тайинланади ва ундан бўшатилади.

1.5. Бўлим ходимлари орасида вазифаларнинг тақсимланиши ёки қайта тақсимланиши бўлим бошлиғи томонидан ижро этувчи директор билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

II. Бўлимнинг таркиби

Бўлимнинг штат бирлиги қуйидагича:

Бўлим бошлиғи	– 1 бирлик;
Бўлим бошлиғи ўринбосари	– 1 бирлик
Етакчи мутахассис	– 1 бирлик;

III. Бўлимнинг вазифалари

3.1. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

рахбариятга тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текшириш ҳамда эътироз ва таклифлар бўлмаса, уларга визалар қўйиш. Бунда лойиҳага бўлим бошлиғи томонидан Корхонанинг бошқа таркибий бўлимлари бошлиқлари (масъул ходимлари) дан кейин виза қўйилади;

Корхонада қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар киритиш;

меҳнат қонунчилигига риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, ички меҳнат интизоми ва бошқаларни)

ишлаб чиқишда иштирок этиш, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текшириш ва ҳуқуқий ҳулоса бериш;

3.2. Корхонанинг шартномавий муносабатлари юзасидан талабнома-даъво ишларини юритиш, бунда,

тегишли бўлимларнинг маълумотлари асосида, улар билан биргаликда Корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганиш, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўриш;

шартномалар бўйича қарздорликнинг аҳволи тўғрисидаги маълумотларни Лойиҳаларни иқтисодий таҳлил қилиш ва объектларни лизингга бериш бўлиmidан олиниши ва қарздор-лизинг олувчилар ишини тегишли судга оширилиши тўғрисида раҳбариятга таклифлар киритиш;

судларда ва бошқа идораларда Корхонанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилинишини ташкил этиш ва бевосита барча босқич судларида иштирок этиб, Корхона манфаатларини ҳимоя қилиш;

Корхона фойдасига чиқарилган суднинг ҳал қилув қарорлари (буйруқлари)ни ижро этиш учун Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда - МИБ)нинг ҳудудий бошқармалари ёки МИБнинг туман-шаҳар бўлимларига ошириш. Уларнинг ижро этилишини назорат қилиш;

қарздорлар мол-мулкнинг у ёки бу турига ундирув қаратилишида МИБнинг мазкур мол-мулкнинг ликвидли эканини инобатга олган ёки олмаганлигини ҳамда МИБ ижрочисидан ликвидли мол-мулкнинг хатланишини талаб қилиш;

МИБ томонидан тегишли судларнинг Корхона фойдасига чиқарган ҳал қилув қарор (буйруғ)и асосида қарздорларнинг банкдаги ҳисоб рақамига банд (арест) солинганлигини назорат қилади ва зарур ҳолларда МИБдан банд солинишини талаб қилиш;

қарздорларнинг хатланган мол-мулкни баҳолатилганлиги ва сотувга чиқарилишини назорат қилиш, ушбу хатланган мол-мулк ўз вақтида баҳолатилмаган ва сотувга чиқарилмаган тақдирда мазкур ишларнинг белгиланган тартибларда бажарилишини МИБдан талаб қилиш;

қарздорларнинг хатланган ва сотувга чиқарилган ликвидли мол-мулкни сотилмай қолган тақдирда, Корхона раҳбариятининг розилиги асосида мазкур мол-мулкларни Корхона балансига қабул қилинишини ташкил этиш;

касаба уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ўз ваколатларини амалга оширишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида раҳбариятга таклифлар киритиш, бундай тадбирларни ўтказишда иштирок этиш;

ходимларининг мурожаатларига кўра уларга Корхона фаолиятига тегишли ҳужжатларни топишда кўмаклашиш, зарур ҳолларда ушбу ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар бериш;

Корхона мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш ва уларни тайёрлашда иштирок этиш;

бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда Корхона мулкнинг талон-тарож қилиниши, камомад ва ортикча сарф-харажатларга йўл қўйилганлиги ҳолатлари ва бошқа қонун бузилиши ҳолатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш, мулкнинг талон-тарож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштириш;

моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва мансабни суистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий ҳулоса бериш;

таркибий бўлинмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатиш, юридик хизмат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сақланиши ва назорат қилинишини таъминлаш, ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида Корхона раҳбариятига таклифлар киритиш.

Корхона раҳбарининг рухсати билан “Мелиомашлизингсервис” масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ)га яқиндан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

Раҳбариятнинг рухсати билан МЧЖнинг манфаатларини судда ва бошқа идораларда ҳуқуқий ҳимоя қилинишига ёрдам бериш;

Кўрсатма бўлганида МЧЖнинг фаолиятига доир қонун ва қонуности ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрланиши, уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги лойиҳаларнинг тайёрланишига кўмаклашиш.

3.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

IV. Бўлимнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

4.1. Юридик бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Корхонанинг бўлим бошлиқларидан юридик хизматга оид функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар олиш;

қонунчиликка зид бўлган ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаш учун ижрочиларга қайтариш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ўз эътирозларини асослаган ҳолда ҳулосалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа бўлинмалар билан биргаликда лойиҳаларни пухта ишлашда қатнашиш;

Корхонанинг талабнома-даъво ишларини бевосита юритишда Корхонанинг бошқа бўлимлари ходимларини бўлим бошлиқлари ёки раҳбарнинг рухсати билан кўмаклашишга жалб қилиш;

Корхонада ўтказилаётган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг яқунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда қатнашиш, аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий ҳулосалар бериш;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Юридик бўлим ходимлари:

юридик бўлимга юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажариши;

белгиланган тартиб ва муддатларда малака оширишлари ва аттестациядан ўтишлари шарт.

4.3. Юридик бўлим:

ўзи виза қўйган ҳужжатлар лойиҳалари ва ўзи томонидан берилган ҳуқуқий ҳулосаларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади;

Корхонада шартнома (контракт)лар тузилиши, шартнома (контракт)ларга ўзгартиришлар киритилиши ёки бекор қилиниши ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Корхонанинг талабнома-даъво ишларини юритиш;

Корхона фаолиятида корхонанинг бошқа таркибий тузилмалари билан биргаликда қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш соҳасида иштирок этиш;

судларда ва бошқа идораларда корхонанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш.

4.4. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун бир қатор функцияларни бажаради.

Хусусан, Корхона билан ҳамкор корхона ва ташкилотлар ўртасида шартнома (контракт)ларнинг тузилиши, ўзгартиришлар киритилиши ёки бекор қилиниши ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш учун,

бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда Корхонанинг шартнома (контракт)ларини тайёрлаш ва тузиш ишларини ташкил этади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади, шартномалар лойиҳаларига виза қўяди. Бунда лойиҳаларга бўлим томонидан Корхонанинг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ҳодимларидан) кейин виза қўйилади;

қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартнома (контракт)ларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосалар тайёрлайди;

зарурат юзага келганида шартнома (контракт)ларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ таклифларни киритади.

4.5. Корхонанинг талабнома-даъво ишлари ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:

тегишли бўлимларнинг тақдим этган маълумот ва ахборотлари асосида корхонанинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномаларни тайёрлайди, корхонага нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқади;

тегишли бўлимларнинг маълумотлари асосида, улар билан биргаликда корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш билан боғлиқ ишларда иштирок этади;

шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича даъво ишларини олиб боради, бу юзадан бошқа бўлимлардан зарур ҳужжатларнинг нусхалари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

корхонанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди, белгиланган тартибда суд мажлисларида корхонанинг қонуний вакили сифатида иштирок этади.

4.6. Корхона фаолиятида қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш соҳасида:

корхона раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текширади ҳамда эътироз ва таклифлари бўлмаса, уларга виза қўяди.

бўлимга тақдим этилган ҳужжат ва маълумотлар асосида корхонада қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар киритади;

Корхонада меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси ва бошқалар)ни ишлаб чиқишда иштирок этади, тақдим қилинган буйруқлар, тегишли ҳужжатларнинг лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текширади;

Корхонанинг касоба уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига зарур ҳолларда ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам кўрсатади;

Корхона ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш билан боғлиқ тадбирларнинг ўтказилишида иштирок этади.

4.7. Бошқа соҳаларда:

Корхонадаги бошқа бўлимларнинг мурожаатлари асосида уларнинг ишларига ҳуқуқий жиҳатдан тушунтиришлар беради;

Корхонада лизинг фаолиятини тўғри йўлга қўйилиши бўйича ички идоравий - меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тегишли бўлимлар иштирокида ишлаб чиқилишида қатнашади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сақланишини таъминлайди, ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритади.

4.8. Корхона ҳузуридаги “Мелиомашлизингсервис” МЧЖнинг фаолиятига бевосита ўз кўмаги ва маслаҳатлари билан ёрдам беради;

Хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги шартномалар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

Қарздорликларнинг қисқартирилишида иштирок этади, эслатма ва огоҳлантириш хатлари, талабномалар ва судга даъво ишларини тайёрлайди;

МЧЖ томонидан мурожаат қилинганда унинг фаолиятига дахлдор қонуности ҳужжатларининг тайёрланиши, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига ёрдам беради;

зарур бўлганда Вазирлар Маҳкамаси тасдиқланган рўйхат асосида харид қилинадиган товарлар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларининг олиниши, танлов ўтказилиши ва расмийлаштириш жараёнларида ҳуқуқий маслаҳат беради;

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва сотувчилардан харид қилинадиган товарларнинг нархлари ва мақбуллиги, ҳужжатларининг расмийлаштирилишида кўмаклашади.

4.9. Юридик бўлимга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли қарори билан юклатилган бошқа вазифалар ҳамда мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин. Бироқ, бўлим ходимларига бевосита юридик хизмат вазифаси ҳисобланмайдиган вазифаларнинг юклатилиши мумкин эмас.

V. Бўлим бошлиғининг вазифалари ва ҳуқуқлари

5.1. Бўлим бошлиғининг вазифалари:

Юридик бўлим ходимларининг лавозим йўриқномасини бўлим ходимлари билан биргаликда ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун раҳбариятга киритади;

ушбу Йўриқнома талаблари бўйича бўлимга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини назорат қилади;

бўлим ходимлари томонидан ички меҳнат интизомига риоя этилишини таъминлайди;

бўлим томонидан тайёрланган ва имзолаш учун раҳбариятга киритиладиган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, раҳбариятга киритади;

Корхона фаолиятига оид қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлашда бевосита иштирок этади;

Корхона раҳбариятининг топшириғига кўра ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва етказиб берувчи корхоналар билан тузилган шартнома ҳамда контрактларнинг шартлари ижроси кечикиши муносабати билан Корхонанинг бошқа бўлимлари

раҳбарлари иштирокида ваколатли ходим сифатида музокара олиб боради, жойларга чиқади ва раҳбариятга ахборот беради;

Корхона раҳбарияти кўрсатмаси билан Корхонанинг вакили сифатида судундирув ишларида қатнашади, ёзишмаларни амалга оширади ва натижалари бўйича раҳбариятга маълумот беради.

Ҳар ҳафтанинг чоршанба ёки пайшанба кунлари сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларда ўқув дарсларини ташкил қилади ва корхона жамоасини республиканинг Олий бошқарув ва қонунчилик органлари ҳамда Ҳукуматининг янги қабул қилинаётган қарорлари билан таништириб боради.

5.2. Бўлим бошлигининг ҳуқуқлари:

бўлим ходимларига зарур топшириқлар беради ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

бўлим фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича ўз ваколати доирасида мустақил равишда қарор қабул қилади, зарур ҳолларда раҳбариятга бўлим номидан таклифлар киритади;

раҳбариятга тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текширади ҳамда эътироз ва таклифлар бўлмаса, уларга визалар кўяди. Бунда лойиҳага юридик хизмат томонидан Корхонанинг бошқа таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза кўйилади (ПҚ-2733);

Корхонада қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар киритади;

меҳнат қонунчилигига риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, ички меҳнат интизоми ва бошқаларни) ишлаб чиқишда иштирок этади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текширади ва ҳуқуқий ҳулоса беради;

Корхонанинг Лойиҳаларни иқтисодий таҳлил қилиш ва объектларни лизингга бериш бўлими томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида шартномавий муносабатлар юзасидан талабнома-даъво ишларини юритади;

тегишли бўлимларнинг маълумотлари асосида, улар билан биргаликда Корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

шартномалар бўйича қарздорликнинг аҳволи тўғрисидаги маълумотларни Лойиҳаларни иқтисодий таҳлил қилиш ва объектларни лизингга бериш бўлиmidан олиниши ва қарздор-лизинг олувчилар ишини тегишли судга оширилиши тўғрисида раҳбариятга таклифлар киритади;

судларда ва бошқа идораларда Корхонанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилинишини ташкил этади ва бевосита барча босқич судларида иштирок этиб, Корхона манфаатларини ҳимоя қилади;

қарздорлар мол-мулкнинг у ёки бу турига ундирув қаратилишида МИБ ижрочисининг мазкур мол-мулкнинг ликвидлигини инобатга олган ёки олмаганлигини ҳамда МИБ ижрочисидан ликвидли мол-мулкнинг хатланишини талаб қилади;

МИБ ижрочилари томонидан суднинг Корхона фойдасига чиқарган ҳал қилув қарор (буйруғ)и асосида қарздорларнинг банкдаги ҳисоб рақамига банд (арест) солинганлигини назорат қилади ва зарур ҳолларда МИБ ижрочисидан банд (арест) солинишини талаб қилади;

қарздорларнинг хатланган мол-мулкни баҳолатилганлиги ва сотувга чиқарилишини назорат қилади, ушбу хатланган мол-мулк ўз вақтида

баҳолатилмаган ва сотувга чиқарилмаган тақдирда мазкур ишларнинг белгиланган тартибларда бажарилишини МИБ ижрочисидан талаб қилади;

қарздорларнинг хатланган ва сотувга чиқарилган ликвидли мол-мулки сотилмай қолган тақдирда, Корхона раҳбариятининг розилиги асосида мазкур мол-мулкларни Корхона балансига қабул қилинишини ташкил этади;

касаба уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ўз ваколатларини амалга оширишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида раҳбариятга таклифлар киритади, бундай тадбирларни ўтказишда қатнашади;

ходимларининг мурожаатларига кўра уларга корхона фаолиятига тегишли ҳужжатларни топишда кўмаклашади, зарур ҳолларда ушбу ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар беради;

Корхона мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

бошқа таркибий бўлинмалар маълумотлари ва таклифи асосида улар билан биргаликда Корхона мулкнинг талон-тарож қилиниши, камомад ва ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилганлиги ва бошқа қонун бузилиши ҳолатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-тарож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни раҳбариятга тақдим қилади;

моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва мансабни суистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулоса беради.

5.3. Қонун ҳужжатларига асосан бошқа вазифа ва ҳуқуқлари бўлиши мумкин.

VI. Бўлим бошлиғи ўринбосарининг вазифалари:

6.1. Бўлим бошлиғи ўринбосарининг хизмат вазифалари қуйидагилардан иборат:

бошқа таркибий бўлинма ходимлари билан биргаликда Корхонанинг шартнома (контракт)лар лойиҳаларини тайёрлаш ва тузиш ишларини ташкил этади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади, зарур бўлса шартномалар лойиҳаларини имзолайди. Бунда лойиҳаларга Корхонанинг бошқа ваколатли таркибий бўлим ходимларидан кейин виза қўяди.

республикадаги энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартнома (контракт)ларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ёзма хулоса тайёрлайди ва бўлим бошлиғига тақдим қилади, бўлим бошлиғи иш жойида бўлмаган вақтида ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди, ёзма хулоса беради;

шартнома (контракт)ларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини ташкил қилади, Корхона томонидан тузилган шартномаларнинг зарур даражада бажарилиши бўйича таклифлар тайёрлайди;

тузилган лизинг шартномалари рўйхатини юритади ва уларнинг белгиланган тартибда сақланишини таъминлайди;

тузилган шартнома (контракт)ларнинг бажарилишини Корхонанинг бошқа таркибий бўлинмалари билан биргаликда таҳлил этади ва шартнома шартлари

бажарилмаётганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, амалга оширилиши лозим бўлган ҳуқуқий ҳаракатлар бўйича тегишли бўлимларга тақлифлар беради.

6.2. Корхонадаги бошқа бўлимларнинг сўровига кўра уларнинг ишларига ҳуқуқий жиҳатдан методологик ёрдам кўрсатади;

Корхонада лизинг фаолиятини тўғри йўлга қўйилиши бўйича ички идоравий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун раҳбариятга киритади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сақланишини таъминлайди, ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида раҳбариятга тақлифлар киритади;

Корхона ички идоравий - меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, муддати ўтган меъёрий ҳужжатларни бекор қилиш тўғрисида тақлиф тайёрлайди;

Корхона раҳбари ва Юридик бўлим бошлиғи томонидан топширилган бошқа вазифаларни бажаради.

6.3. Корхонанинг бошқа таркибий бўлимларининг ҳужжатларини кўриб чиқади ва лозим бўлганда тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида ўз тавсияларини беради.

VII. Бўлим бош юрисконсултининг вазифалари:

7.1. Бош юрисконсултининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Корхона раҳбариятининг топшириғига кўра лизинг, олди-сотди ва бошқа хўжалик шартномаси (контракти) талабларини бузган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан талабномалар (огоҳлантириш хатлари) юборилиши, ишларнинг тегишли судларга оширилиши, судларда Корхона манфаатларининг ҳимоя қилинишида иштирок этиш;

тегишли судлар томонидан Корхона фойдасига чиқарилган ҳал қилув қарор (буйруқ)ларини банклар ва МИБ ижрочилари томонидан бажарилишини талаб этиш ва ижросини назорат қилиш.

7.2. Бош юрисконсулт:

МИБ ижрочилари томонидан суднинг Корхона фойдасига чиқарган ҳал қилув қарор (буйруғ)ига асосан ижро варақаси олинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарилганлигини назорат қилади ва агар шундай қарор чиқарилмаган бўлса, уни ўз вақтида чиқарилишини улардан талаб қилади;

қарздорлар мол-мулкининг у ёки бу турига ундирув қаратилишида МИБ ижрочисининг мазкур мол-мулкнинг ликвидлигини инобатга олган ёки олмаганлигини назорат қилишда ҳамда зарур ҳолларда МИБ ижрочисидан ликвидли мол-мулкнинг хатланишини талаб қилади;

МИБ ижрочилари томонидан суднинг Корхона фойдасига чиқарган ҳал қилув қарор (буйруғ)и асосида қарздорларнинг банкдаги ҳисоб рақамига банд (арест) солинганлигини назорат қилишга ва зарур ҳолларда МИБ ижрочисидан банд (арест) солинишини талаб қилишга ҳақли;

қарздорларнинг хатланган мол-мулкни баҳолатилганлигини, сотувга чиқарилишини назорат қилишда, ушбу хатланган мол-мулк ўз вақтида баҳолатилмаган ва сотувга чиқарилмаган тақдирда мазкур ишларнинг белгиланган тартибларда бажарилишини МИБ ижрочисидан талаб қилади;

қарздорларнинг хатланган ва сотувга чиқарилган ликвидли мол-мулки сотилмай қолган тақдирда, Корхона раҳбариятининг розилиги асосида мазкур мол-мулкларни Корхона балансига қабул қилинишини ташкил этади;

шартномалар бўйича қарздорликнинг ахволи тўғрисидаги маълумотларни Лойиҳаларни иқтисодий таҳлил қилиш ва объектларни лизингга бериш бўлиmidан олиниши ва қарздор-лизинг олувчилар ишини тегишли судга оширилиши юзасидан раҳбариятга таклифлар тайёрлайди.

7.3. Корхона раҳбарияти ва бўлим бошлиғи (унинг ўринбосари) томонидан топширилган бошқа вазифаларни бажаради.

VIII. Бўлим ходимларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

8.1. Бўлим ходимлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарлари розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартнома (контракт)лар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга жалб қилиш;

қонунчиликка зид бўлган ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаш учун ижрочиларига қайтариш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида, ўз эътирозларини кўрсатган ҳолда оғзаки ёки ёзма хулосалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа бўлимлар билан биргаликда лойиҳаларни пухта ишлашда қатнашиш;

Корхонада ўтказилаётган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг яқунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда қатнашиш, аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар бериш.

8.2. Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8.3. Бўлим ходимларининг мажбурияти.

бўлим ходимларига фақат юридик хизмат ходимларига қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган мажбуриятлар юклатилиши мумкин;

бўлим ходимлари бўлимга юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажаришлари шарт.

8.4. Бўлим ходимлари ўз вазифаларини лозим даражада бажаришлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Лавозим йўриқномаси билан танишдим ва хизмат вазифаларини бажаришга киришдим:

Бўлим бошлиғи

Бўлим бошлиғи ўринбосари

Бош юрисконсульт

Ш. Таджибаев

С. Раҳматов

Ф. Курбанов